

## Менга ўзимнинг пулларим керак



08:00 / 22.09.2020 3054

Язид ибн Ҳорун айтади: «Восит шаҳрида қозиликка ишончли бир муҳаддис тайинланди. У қозилик қилаётган даврда бир киши усти ёпиқ, муҳрланган ҳамён бир одамга омонатга бериб, ичида минг динор борлигини айтиб кетди. Ҳамённи олиб қолган одам эгаси бир неча йил йўқ бўлиб кетгани учун уни ўлди деб ўйлаб, омонатдаги молни ишлатиб юбормоқчи бўлди. Ҳамённинг тагини йиртиб, динорларнинг ўрнига дирҳамлар солиб, аввалгидек қилиб тикиб қўйди. Кутилмаганда омонатнинг эгаси келиб, омонатини талаб қилиб қолди. Олиб қолган одам унга усти ёпиқ, муҳрланган ҳамённи қайтариб берди. Ҳамён эгаси уйига бориб, ҳамённи очса, ичидаги динор эмас, дирҳамлар солинган. У ҳалиги одамнинг олдига қайтиб келиб, «Аллоҳ сенга офият берсин. Пулларимни қайтариб бер. Ҳамёнда динор бор эди, ўрнида дирҳам турибди», деди. Омонатни олиб қолган одам буни инкор қилиб, қозига боришни таклиф қилди. Қози

маҳкамага гувоҳларнинг ва учинчи томоннинг ҳам келишини сўради. Иккала тараф ҳам келгач, қози ҳамён эгасига: «Сен бу кишига қачон омонат бергансан?» деди. У: «Ўн беш йил бўлди», деди. Қози дирҳамларни олиб, зарб қилинган санасини ўқиди. Ҳамёндаги дирҳамлар икки йилу уч ой олдин зарб қилинган экан. Шу тариқа омонат сақлаган кишининг хиёвати очилиб қолди. Қози динорларни эгасига қайтариб берасан деб ҳукм қилди. Динорлар эгасига қайтарилди, омонатга хиёнат қилган кишига эса «хоин» деб ҳукм чиқарилди. У Воситдаги ерларини сотиб, бу юртдан бош олиб чиқиб кетди.

***«Солиҳлар гулшани» китобидан***